

## «ОЛОЙ ДЕХҚОН БОЗОРИ» АЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ БАЁНИ

2020 йил 25 март

Тошкент шаҳри

Акциядорларнинг 2019 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Амур Темур кўчаси 40 уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносидан 2020 йил 25 март куни ўтказилди. Йиғилишда 1824251 овозга эга 6 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 98,6 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 98,64%га эгалик қилувчи Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Ганиев Дилмурод Иркинович қатнашди.

### **Йиғилиш раёсатиغا бир овоздан қуйидагилар сайландилар:**

Ганиев Д.И. – “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бошлиғи ўринбосари.

Камолов Т.К. – - “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК бош мутахассиси.

Холжигитов А. – «Олой дехкон бозори» АЖ директори в.б..

### **Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:**

Азизова Д

### **Йиғилиш саноқ хайъатиغا қуйидаги ходимлар сайландилар:**

Ирисов Ш., Юсупова Ш, Мирзаев Х

Йиғилишга Д.Ганиев раисли қилди.

### **Йиғилиш кун тартиби:**

1. Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.

2. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви ҳулосасини кўриб чиқиш.

3. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар, шу жумладан жамиятнинг бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳулосалари.

4. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш.

6. Жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш.

7. Жамият директори билан тузилган шартнома муддатини узайтириш.

8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.

9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.

10. Жамиятда ўтказилган Корпоротив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

11. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сўзга чиқувчиларга 5 минутгача.



Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи** масала юзасидан жамият Кузатув кенгашининг йиллик хисоботи ва жамият директори в.б. А.Холжигитовнинг 2019 йил якуни бўйича жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш учун кўрилаётган чоратadbирлар тўғрисидаги хисоботлари тингланди. Хисоботда акциядорлик жамияти томонидан 2019 йилда эришилган ютуқ ва камчиликлари келтириб ўтилди, жумладан 2019 йилнинг якуни бўйича ялпи даромад режаси 2791370,0 минг сўм бўлган, амалда 2994695,1 минг сўмга ёки режа 107,2%га бажарилгани, мажбурий харажатлар режаси 1274720,0 минг.сўмни ташкил этиб, амалда 1341674,0 минг сўмга харажат қилинган режага нисбатан 66954,2 минг сўмга кўп харажат қилинган. Соф фойда режаси 120965,0 минг сўм бўлиб, амалда 155673,5 минг сўмга режага нисбатан 34708,5 минг сўмга кўп бажарилганлигини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207- сон қарори иловасининг 37- бандига асосан кўрсаткичлар СЙК (КПЭ) бўйича жамият фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари йилнинг ҳар чораги якуни бўйича ўрганилганлиги ва хисоботлари тақдим этилганлигини маълум қилди, (хисобот тўлалигича илова қилинади).

Берилган саволларга маърузачилар жавоб берганларидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича «IQTIDOR-AUDIT-INFORM» МЧЖ аудиторлик компаниясининг 2019 йил якуни бўйича ўтказилган аудит текшируви хулосасини жамият бош хисобчиси Шоймардонов М ўқиб эшиттирди, жумладан, аудит текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва хўжалик фаолияти, ҳамда бухгалтерия хисоботлари Ўзбекистон Республикасидаги бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келиши ҳақидаги 2020 йил 4 мартдаги ижобий хулоса берилгани ҳақида маълумот берди. (аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамиятнинг тафтиш комиссияси раиси Г.Абдуллаева йиғилишда иштирок эта олмаганлиги сабабли, тафтиш комиссияси хулосасини жамият бош хисобчиси Шоймардонов М. йиғилганларга ўқиб эшиттирди, жумладан, жамият тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга ҳамда жамият ташқи аудитори « IQTIDOR-AUDIT-INFORM » МЧЖнинг 2020 йил 4 мартдаги ижобий аудиторлик хулосасига асосланиб:

- жамиятнинг хисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигини;

- афилланган шахслар билан битимлар, шунингдек йирик битимлар тузилмаганлигини эътироф этишини маълум қилди. (тафтиш хайъатининг хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича жамият бош муҳосиб Шоймардонов М. сўзга чиқиб, жамиятнинг 2019 йил якуний баланси юзасидан тўлиқ хисобот берди.

Раислик қилувчи акциядорлардан кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **бешинчи** масала юзасидан жамият бош хисобчиси М.Шоймардонов сўзга чиқиб, 2019 йил якуни бўйича жамият даромадлар ва харажатлар сметасига асосан, ҳамда жамият ташқи аудитори « IQTIDOR-AUDIT-INFORM » МЧЖ томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс кўрсаткичларига мувофиқ, жамият 2019 йил якуни бўйича олинган 155673.5 минг сўм соф фойданининг 100 фоизини жамиятнинг аввалги йиллардаги



зарарини қоплашга йўналтиришни ва бошқа ҳолатларни айтиб ўтди. (тегишли ҳужжатлар иловада)

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича жамият директори в.б.А.Холжигитов сўзга чиқиб, 2020 йил учун тайёрланган «БИЗНЕС РЕЖА» ва «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» билан йиғилганларни таништирди, «БИЗНЕС РЕЖА»да жамиятнинг 2020 йилда амалга ошириладиган ишлари, жамиятнинг молиявий нуфузини янада ошириш ва йил якуни бўйича дивидендлар салоҳиятини ошириш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва қўшимча даромадлар манбаини ташкил этиш йулларини ахтариш кўрсатилганини билдирди, («Бизнес-режа», «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» тўлалигича илова қилинади).

Маърузачининг берилган саволларга жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **еттинчи** масала бўйича раислик қилувчи жамият директори Разоқов Ахат Анварович бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Академиясида ўқишда эканлигини инобатга олиб, у билан тузилган меҳнат шартномани узайтириш таклиф этилганлигини билдирди.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **саккизинчи** масалага ўтиб, 2020 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўққизинчи** масалага ўтиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўнинчи** масала бўйича жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Ш.Ирисов сўзга чиқиб, «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулосаси билан таништирди.

(«FTF-LEA-AUDIT» МЧЖнинг хулосаси илова қилинади)

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўн биринчи** масала юзасидан жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Ш.Ирисов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли қонунига мувофиқ «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни»га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан жамиятнинг 2020 йил фаолияти учун аудиторлик текширувни ўтказилиши бўйича танлов эълон қилинганлигини ва шунга асосан қуйидаги ташкилотлардан таклифлар тушганини айтиб ўтди:

1. «IQTIDOR-AUDIT-INFORM» МЧЖ - 3400000 сўм,
2. «ABS FINANS AUDIT» МЧЖ - 4000000 сўм,
3. Агентство «КОССАУДИТИНФОРМ» МЧЖ 2800000 сўм.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.



Раислик килувчи умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санок хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Санок хайъати мажлис қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

<b>1-масала</b> Ўқлаган 1824251–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	<b>2-масала</b> Ўқлаган 1824251–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	<b>3-масала</b> Ўқлаган 1824251–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%
<b>4-масала</b> Ўқлаган 1824251–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	<b>5-масала</b> Ўқлаган 1824251–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	<b>6-масала</b> Ўқлаган 1824251–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%
<b>7-масала</b> Ўқлаган 1824251–100%, Бетараф 0 – 0,0%, Қарши 0 – 0,0%		
<b>8-масала (Жумлятив овоз бериш натижалари)</b>		
1. Акбарходжаев Лазизхон Турапович 1824251 та овоз,	6. Каримов Сардор Юлдашбасвич 1824251 та овоз,	1824251 та овоз
2. Камолов Толмас Каримович 1824251 та овоз,	7. Туляганов Фарход Файзуллаевич 1824251 та овоз,	1824251 та овоз
3. Абдурахмонов Музаффар Мирзаразимович 1824251 та овоз	8. Каримов Малик Рахимович 1824251 та овоз	1824251 та овоз
4. Аминов Рустам Анварович 1824251 та овоз	9. Шерова Дилдора 1824251 та овоз	1824251 та овоз
5. Исмаилов Хикматилла Исматович 1824251 та овоз		
<b>9-масала</b> Ўқлаган 1824251–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	<b>10-масала</b> Ўқлаган 1824251–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	<b>11-масала</b> Ўқлаган 1824251–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%

Раислик килувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок хайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

### **КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. «Олой дехқон бозори» АЖ ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик хисоботи, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар тўғрисидаги хисоботлари тасдиқлансин. (ёқлаган 1824251 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

2. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташки аудиторлик текширувига мувофиқ ижобий аудиторлик хулосаси инobatга олинсин. (ёқлаган 1824251 та овоз – 100%, қарши–йўқ,бетараф –йўқ).

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг хулосаси инobatга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1824251 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

4. Жамиятнинг 2019 йил фаолияти якуни бўйича йиллик хисоботи инobatга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1824251 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

5. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган 155673.5 минг сўм соф фойдани тақсимланиши тасдиқлансин:

- 2019 йилда олинган 155673.5 минг сўми соф фойда жамиятнинг аввалги йиллардаги зарарини коплашга йўналтирилсин.

(ёқлаган 1824251 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

6. Жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин. (ёқлаган 1824251 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

7. Жамият директори Раззоков Ахат Анварович билан тузилган меҳнат шартнома муддати акциядорларнинг 2020 йил якуни бўйича навбатдаги умумий йиғилишига қадар узайтирилсин. (ёқлаган 1824251 та овоз–100%, қарши–йўқ,бетараф– йўқ).

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан куйидагилар сайлансин:

- 8.1 Абдурахманов Музаффар Мирзарахимович 1824251- та овоз
- 8.2. Акбарходжаев Лазизхон Турапович 1824251 - та овоз
- 8.3. Аминов Рустам Анварович 1824251 - та овоз
- 8.4. Камолов Толмас Каримович 1824251 - та овоз
- 8.5. Туляганов Фарход Файзуллаевич 1824251 - та овоз
- 8.6. Исмаилов Хикматилла Исматович 1824251 - та овоз
- 8.7. Каримов Сардор Юлдашбаевич 1824251 - та овоз
- 8.8. Каримов Малик Рахимович 1824251 - та овоз
- 8.9. Шерова Дилдора 1824251 - та овоз

9. Жамият Тафтиш комиссиясига Абдуллаева Гулчехра, Ибрагимова Гулноза, Ким Олег сайлансин. (ёклаган 1824251 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

10. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари тасдиқлансин. (ёклаган 1824251 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

11. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти учун ташқи аудитор этиб “КОССАУДИТИНФОРМ” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори 2800.0 минг сўм миқдоригача белгилансин. (ёклаган 1824251 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

**Йиғилиш раиси**

**Д.Ганиев**

**котиб**

**Д. Азизова**

Баённома имзоланган сана: 4 апрель 2020 йил.

*Асаиға тўғри.*  
*"Осей дехқон бозори" А.е.*  
*директори Р.б. А. Саиджамитов*

